

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлашга ва ишлаб чиқариш соҳаларида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиши, ёшларга таълим ва тарбия бериш борасидаги давлат ва халқ олдидаги қадриятлари меҳнати учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

Мадалиева Манзура Абдуллаевна
— Кўкон шаҳридаги 10-ўрта мактаб математика ўқитувчиси, Фарғона вилояти
Саитова Онезия Саитовна
— Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғруқхонасининг гинекология бўлими mudiri
Умаров Холмуҳа Мукаррамович
— «Тошкентушйойинвесткурилиш» корпорацияси «Тошмахсупардзкурилиш» акциядорлик жамияти 42-курилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи
Қуваков Машарип
— Богот туманидаги «Богот» жамоа хўжалиғи бошқаруви раиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 26 август.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1997 йил 26 августдаги Фармони билан Мустақилликнинг 6 йиллиғи муносабати билан фан, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижодий соҳалар ходимларидан катта бир гуруҳи юксак мукофотлар билан тақдирландилар. Мукофотланганларнинг рўйхати бугун республика матбуотида эълон қилинди.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бу дунё аҳамиятига молик мусика анжумани катнашчилари ва меҳмонларини юртимиз заминдаги муқаббат эди. Кеча кечқурун Президент Ислам Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.



Кент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов катнашди.

(ЎЗА).

МУСТАҚИЛЛИК — МУҚАДДАС НЕЪМАТ



СУРАТДА: мажлис пайти.

А. Тўраев (ЎЗА) олган сурат.

25 август куни республика Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллиги байрамига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, бирлашма, уюшмалар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ижодкор зиёлилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисини Президент Ислам Каримов бошқарди.

Мажлисида мустақиллик байрами кутуб олишга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Халқимиз бу йил мустақиллик байрами кутуб олишга, деди Президент мажлисини очар экан. Мамлакатимизнинг бош майдонида ўтадиган театрлаштирилган томоша ана шу руҳни акс эттириши, биз мустақиллик йилларида эришган ютуқлар, маънавиятимизда рўй берган ўзгаришлар, қола-

таналарига айланиб кетмаётганида қандай маъно бор?

Аввало, шунга таъкидлаш керакки, мустақиллик биз учун буюк инъом, муқаддас неъматдир. Биз бу буюк байрамимиз, унда акс этадиган лавҳалар, янграйдиган кўшиқлар, ижро этиладиган рақслар орқали ана шу тушунчани одамлар онига чуқур синдиришимиз лозим. Токи, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон истиқлолнинг қадрини билсин. Уни катта бойлик, ўзлигини англаш, ўзини озод инсон деб ҳис этиши учун берилган бекиёс имконият деб қабул қилсин.

Одатда мустақиллик ва ислохот сўзларини бир-бири билан ўзвий боғлиқ ҳолда кўрамыз. Чунки факат мустақил давлат, мустақил хамиятдагина ислохотларни амалга ошириш мумкин. Мустақиллик ҳам, ислохотлар ҳам одамлар яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши учун зарур шароит яратди. Миллий ғурурни, миллий тафаккурни уйғотадиган, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган мустақилликдир. Ислохотлар эса ана шу олий мақсадларни амалга ошириш воситасидир. У Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг асосий шарти ва омилдир. Шунинг учун ҳам биз ватандошларимиз

онига мустақилликнинг қадрига етиш тушунчасини синдиришимиз лозим. Токи, ҳар бир инсон мустақиллик менга нима берибди, деб эмас, балки ўзига ўзи мен мустақиллик йўлида, уни мустақамлаш борасида нима иш қилдим, деган саволни берсин.

Одатда одам бир нарсани йўқотмаса, унинг қадрига етмайди. У албатта йўқотган нарсаси учун азоб чекиши керак. Халқда, мусофир бўлмай, мусулмон бўлмас, деган қол ҳам беҳиз тугилмаган. Биз мустақиллик сўзини баъзан ҳар қадамада тақдорлайвериб, унинг салмоғини тушириб юборамиз. Холбуки, мустақиллик осмондан тушмайди. У тинимсиз кураш, кўрбонлар эвазига қўлга киритилади. Агар биз чор Россияси қўшинлари Тошкент ёки Хевани босиб олишида қилган хунрезликларни эсласак, Абдулла Қодирий, Ўлпон, Усмон Носир каби миллиятимиз гулларининг тақдирини ёдга олсак, бу ҳақиқат янада ойдинлашади. Қолаверса, мустақилликнинг дастлабки йиллари ҳам осон кечгани йўқ. Одамларни талафотлардан, очликдан сақлаб, еттиларнинг бошини силаб, оғир синовлардан олиб ўтишининг ўзи бўлган йўқ. Ма-на шу ҳақиқат санъат воситаси орқали, бадиий образлар ёрдамида киши-

лар онига етказилиши керак. Байрам томошаси сценарийсини тако-миллаштиришда ана шу жиҳатларга эътиборни қаратиш, бу борада унинг муаллифларига яқиндан ёрдам бериш зарур. Бу нафис бадиият орқали амалга оширилиши, бизнинг кучимиз аввало маънавиятимизда эканлиги теран ифода этилиши даркор.

Мажлисида Ўзбекистон халқ шоири, театрлаштирилган томоша сценарийи муаллифи Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ артисти, томоша режиссери Рустам Хамидовнинг ахборотлари тинглан-ди.

Мажлисида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, ташкилий бўлма раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тош-

Мамлакатимизда мустақиллик байрами арафасида янги иншоотларни фойдаланишга топшириш яхши аънаънага айланиб қолди. Бу йил юзга яқин ана шундай байрам иншоотлари бунёд этилди.

25 август куни Президент Ислам Каримов мамлакатимиз пойтахтида қад кўтарган «Жар» спорт маркази ҳамда «Юнусобод» теннис мажмуида қуриб битказилган усти ёпиқ теннис кортини бориб кўрди.

«Жар» спорт маркази қарийб 16 гектар майдонни эгаллаган. Унинг таркибига минг томошабинга мўлжалланган усти ёпиқ теннис корти, очик ва ёпиқ сув

хавзалари, футбол, енгил атлетика майдонлари, универсал спорт зали, бир қанча машқ ҳоналари ва маиший хизмат кўрсаткичлари кирди.

БАЙРАМ ИНШООТЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

сатиш биналари қиради.

«Юнусободдаги усти ёпиқ теннис корти эса ўхшаши йўқ иншоот бўлиб, энг замонавий усулда бунёд этилган. У қарийб тўрт минг томошабини сиғдира олади. Ундан баскетбол, волейбол, бокс, оғир атлетика каби спорт

турилари бўйича мусобақалар ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин. Яқинда бошланажак «Президент кубоги» теннис турнири

очилиш маросимида иштирок этадиганлар маъруза спорт саройининг маҳаббат ва гўзаллигини илқ шохиди бўладилар.

Президент иншоотларини қўзда кечириб экан, уларни лойиҳа-лаштираган ва бунёд этган меъморлар, қурувчилар, муҳан-

дислар билан суҳбатлашди. Спорт майдонларининг ҳажми, халқаро стандартларга мослиғи билан қизиқди. Ҳатто, танлан-

ган ранглар ҳам, майдон четидидаги тўсиклар ҳам Ислам Каримовнинг назаридан четда қолмади. Йўлбошчимиз қурувчилар меҳнатига юқори баҳо берадиган, иқлим шароитида спорт иншоотлари баҳола бўлиши зарурлигини қайд этди. Қури-

лишларда кўпроқ маҳаллий материаллардан фойдаланишнинг тавсия қилди. Шарқона ва замонавий услубларнинг уйғунлигига, ранглар мутаносиблигига аҳамият бериш зарурлигини таъкидлади. Иншоотлардаги жузъий камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан маслаҳатлар берди.

Давлатимиз раҳбарининг байрам иншоотлари билан танишуви чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

(ЎЗА).

ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИДАН

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов билан суҳбат

— Козим Носирович, яхши аънаънага кўра давлатимиз ва халқимизнинг энг улғу байрами арафасида янгилашниш ва тараққиёт йўлидан босиб ўтилган навбатдаги босқичга назар ташлаймиз, амалга оширилган эзгу ишларни мамнуний билан ёдга оламиз. Шу жиҳатдан Мустақиллик йилининг олти йили Тошкент ва тошкентликлар учун нима берди?



— Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида 29 июлда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтилганидек, 1997 йилга Ўзбекистоннинг иқтисодий, иқтисодий ва маънавият соҳаларидаги ислохотлар йўлида олға ташлаётган қадамнинг муҳим босқичи, деб қаралмоқда. Шу билан бирга мамлакатимизда 1997 — Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган. Бу тасдиқий эмас. Инсон манфаатларини амалга ошириш фаол бунёдкор кучларни ҳаракатга келтириб, бу эса бизнинг янгилашниш ва тараққиёт йўлидан собиққадамлик билан дадил олға боришимизга ҳал қилувчи даражада ёрдам беради.

Олти йил давомида мустақиллик йўлидан

босиб ўтилган босқичларга яна бир бор назар ташлар эканмиз, ўтиш даврининг ҳамма мураккаблиқларига қарама-санга қонуний ифтихор билан шахсининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, оиланинг, ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун кўп иш қилинганлигини таъкидлай оламиз. Рақамлар тили жуда лўнда. Аслида уларнинг ўрни суҳбатда эмас, ҳисоботлардадир.

Бироқ бу ерда, афтидан, уларга мурожаат эмаслигининг илоҳий йўқ. Фақат шу йилнинг биринчи ярмида Тошкент шаҳрида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш учун бюджетдан 2 миллиард 985,6 миллион сўм сарфланди.

Бу рақамлар ортда нима турибди? Пойтахтда 37195 та кам таъминланган оилага 121,4 миллион сўмлик нафақа берилди.

Уй-жойга ҳақ тўлашга кетган харажатларнинг бир қисmini, энг аввало коммунал хизмат учун ҳақ тўлашга кетган харажатларнинг қоллаш учун йилнинг биринчи ярмида 2 миллиард 162 миллион сўм йўналтирилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўтган куни Тошкентда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг навбатдаги мавсумий савдо-ярмаркаси очилди.

Эрталабдан бошлаб қўлгина бозорларда қарнай ва сурнай сўлда-ри янгради. Хамшаҳарларимиз дармондориларга бой бўлган маҳсулотларини пойтахтга олиб келган дала меҳнаткашларини ана шундай тантанавор кутиб олдилар.

Аънаънага айланган қолган бу галги ярмарка «Ҳосил байрами-97» шiori остида ўтади ва республика-миз Мустақиллигининг олти йилли-ғи байрами арафасида деҳқонлари-миз эришган ютуқларнинг ўзига хос кўриғи бўлади, — деди «Тошшаҳар-мева-савдо-саноат» бирлашмаси раисининг ўринбосари Абдуқадир Мадалиев. — Ярмаркага республи-камизнинг барча вилоятлари, шунин-гдек Қорақалпоғистоннинг беш қоз-дан эриб қўлликлари мева, саба-вот, полиз маҳсулотлари, дуққалиқ усилликлари ва бошқа маҳсулот-лари олиб келганлар.

— Мана олти йилдирки мен Тош-кентга келаман, — деди Фарғона вилоятининг Олтиркан туманидаги «Журак» жамоа хўжалигининг бри-

«ҲОСИЛ БАЙРАМИ-97»ГА МАРҲАБО!



гада бошлиғи Рафиқ Алиев. — Биз-нинг хўжалигимиз ушбу ярмаркага ўн-га яқин хилдаги мева ва саба-вотларни олиб келди. Бундан беш йил муқад-даш ўтди. Бу йил ундан дастлабки ҳосилни йиғиштириб олдим ва уларни тошкентликларга илтифот қилдим. Бу ерда

бодомнинг нархи 400 сўм ва ундан ҳам ортиқ экан. Дарҳақиқат бодом қимматли маҳсулот, бироқ унинг нар-хи бу даражада банд бўлмаслиғи керак. Шу боисдан мен олиб келган бодомни Тошкентдаги нархдан икки баравар арзонга сотишга қарор қил-дим.

Ярмаркага қўйилган маҳсулотлар сифатидан ҳамшаҳарларимиз кўн-гли тўқ бўлса бўлади. Хўжаликларин-г вакиллари ана шу маҳсулотлар учун зарур бўлган барча ҳужжатлар-га, шу жумладан дориларнинг кўб-и билан боғлиқ сертификатларга ҳам эгадирлар. Бундан ташқари яр-марка кезларида жойларда санита-рия-эпидемиология ва тиббиёт хиз-мати кўма нукталари фаолият кўр-сатади.

Шаҳримизнинг Навоий кўчаси-даги Шейхият хибобни теграсида энг йирик, марказий мева-саба-вот ярмаркаси ташкил этилган ба-вот, бу ерда Сирдарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, «Тошшаҳармева-савдо-саноат» бирлашмасининг бошта мева-саба-завот қўмиталари билан бир-бири-дан ранг-баранг боғ ва полиз маҳсу-лотларини сотува қўйганлар.

Ярмарка 5 сентябргача давом этади. Савдо-ярмаркасида. СУРАТЛАРДА: «Ҳосил байра-ми-97» савдо-ярмаркасида. Рашид Галиев олган суратлар.

Транспорт

БЕКТЕМИРГА ТРОЛЛЕЙБУС ҚАТНАЙДИ

Бектемир тумани «Сувчи» даҳаси қундан-қунга чирой очиб бор-моқда. Бу ердаги аҳоли учун Инсон манфаатла-ри йилида яна бир қу-лайлик яратилаётир. У ҳам бўлса экологик жи-ҳатдан афзал трол-лейбус йўлининг бунёд этилганидир.

Бу йўл фойдаланишга топширилса туман аҳо-лисига транспорт хизма-ти муаммоси узил-кесил ҳал этилади. Қурилиш ишларини «Шоу йўли» акционерлик жамияти-нинг 2-электр усталари амалга оширишмоқда.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йилнинг биринчи ярмида шаҳарда 18 километр узунликда газ, 9,8 километр ичимлик суви, 34,2 километр оқава сув тармоқлари ўтказилди.

Тошкентда Инсон манфаатлари йили дастури доирасида ногиронлар соғлигини қайта тикловчи республика маркази ташкил этилди.

Тошкентликларнинг мазмунли дам олиши, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, умуман соғлом авлодни тарбиялаш учун жуда кенг қўлланма ишлар амалга оширилаётганини айтиш даркор. Сўнгги йилларнинг ўзига пойтахтда Юнусободда ва «Динамо» стадионида ажойиб теннис кортлари қуриб битказилди. «Пахтакор» стадиони ва Митрофанов номидаги сув спорти саройи капитал таъмирлангандан сўнг халқаро миқёсда мусобақалар ўтказиш мумкин бўлган иншоотларга айланди. Умуман олганда бугунги кунда шаҳардаги 14 стадион, 454 та спорт зали, 29 та сузиш ҳавзаси, 69 та теннис корти, 1247 та спорт майдончаси, 60 та футбол майдони амалда барча спорт ихлосмандлари эҳтиёжларини қондириш учун етарлидир.

Тошкент энг нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ўтказишга тайёр ва қодир эканлигини биринчи Марказий Осиё ўйинларининг шаҳримизда катта муваффақият билан ўтганини исботлаб турибди.

Тошкентда уй-жой сертификатлари бўйича турар жойлар қуриш тажрибаси бошланганлиги, бу ибратли иш республика ҳукумати томонидан маъқулланганлиги яхши маълум. Қисқа вақт ичида 4 минг нафардан кўпроқ тошкентлик банкда жамғарма ҳисоб varaқалари очди. Бюджет маблағлари ҳисобидан уй-жой қиймати-нинг ярмини қоплаш йўли билан 500 га яқин шинам квартира қурилиб, эгаларига берилди. Ҳозирги кунда ана шундай бир ярим мингга яқин квартира қурилиши давом этирилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида уларнинг бир нечасида уй тўйлари бўлиб ўтади.

Биз республикамизда, шу жумладан Тошкентда ҳам амалга оширилаётган барча ўзгаришлар, янгиланишлар, инсон манфаатларига, унинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилишини тўла асос билан айта оламиз.

— **Кундалик ташвишлар билан биз ҳаммаша ҳам иқтисодиётимизда рўй бераётган чуқур ўзгаришларни муносиб баҳолай олмаёямиз. Аслини олганда эса кўз ўнгимизда фақат ички бозорни сифатли моллар билан тўлдирибгина эмас, балки Тошкент савдо марказини жаҳон бозорида муносиб тақдим этишга қодир янги ишлаб чиқаришлар турғияпти. Шундай экан, саноатимизда қандай таркибий ўзгаришлар рўй берапти? Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, пойтахт экспорт салоҳиятини кенгайтириш масаласи қандай ҳал этилмоқда?**

— Бу саволга жавобни биз кундалик эҳтиёж сезадиган нон маҳсулотларидан бошлай қолайлик. Ўз вақтида тошкентликларнинг нон маҳсулотларига қанчадан-қанча эътирозларини эшитишимизга тўғри келган. «Оқшом» ҳам бу ҳақда кўп марта ёзган. Бугунги кунда эса шаҳарнинг деярли барча йирик мавзелаарида очилган, Германиянинг «Винклер» фирмаси жиҳозлари ўрнатилган «Иссиқ нон» кичик корхоналари ва дўконлари бу муаммони асосан ижобий ҳал этиш имконини берди.

Ишлаб чиқаришнинг деярли барча соҳаларида амалда худди шундай ўзгаришлар рўй берапти. Айтилик, дўконларимиз пештахталарида сифатсиз пойабзаллар қалашиб ётганлигига муттасил дуч келардик. Яқин вақт ичида эса Тошкент пойабзалчилари хорижий шериклари билан ҳамкорликда ички бозоримизни сифатли маҳсулот билан тўлдирибгина қолмасдан, уни экспортга ҳам жўната бошлайдилар. Энг урф бўлган, жаҳон андозалари даражасидаги кийим-кечаклар Тошкентнинг «Малика», «Олдуз», «Қизил тонг» ҳиссасдорлик жамиятларида ишлаб чиқарила бошланди ёки тез орада ишлаб чиқарилади. Тошкентлик чиннисозлар немис ҳамкасблари билан янги ишлаб чиқаришни ўзлаштиргач, бизнинг жовонларимиз ва дастурхонларимизни ҳам машҳур саксон чинниси безайди.

Тошкентлик авиасозлар ва тракторсозлар, умуман машинасозларимизнинг жаҳоннинг машҳур фирма ва компаниялари билан ҳамкорликлари айниқса истиқболдир. Бу ўринда ишлаб чиқаришнинг жаҳон даражаси тўғрисида гапириш керак.

Йилнинг биринчи ярмида шаҳарда 42 та корхона ўз маҳсулотларини чет элларга экспорт қилди. Жумладан, «Ўзқабель» ҳиссасдорлик жамиятида маҳсулот ҳажмида экспорт салмоғи 31,4 фоизга етди. «Тошкент трактор заводи», «Тошўқимачи», «Ўзэлектрораппарат», «Ўзмашийкийме» ҳиссасдорлик жамиятлари, «Спектр» қўшма корхонаси ва яна кўплаб бошқалар чет эллик истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бермоқдалар. Янги ташкил этилаётган қўшма корхоналар пойтахт экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади, албатта.



— **Ҳақиқатан ҳам, Козим Носирович, тошкентликларга жаҳоннинг машҳур фирмалари: «ДЭУ», «Сименс», «Филиппс», «Мерседес», «Алкател», «Кока-кола», «Моторола» ва бошқаларнинг номлари яхши таниш бўлиб қолди. Шаҳарда ишлаб чиқаришга янги хорижий сармояларни жалб этиш учун нима қилинмоқда? Чет эллик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз истиқболлари қандай?**

— Шаҳар ҳўжалик раҳбарлари республи-

сулотларини қадоқлаш бўйича ва яна жуда кўп бошқа ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилмоқда. «ЎзБАТ» қўшма корхонасини таъмирлаш учун йирик хорижий сармоялар йўналтирилмоқда.

Биз чет эл фирма ва компаниялари билан меҳмонхоналар қуриш ва таъмирлаш соҳасида яхши ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. «Ўзбекистон» ва «Дўстлик» меҳмонхонасини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди. «Тошкент» ва «Россия» меҳмонхоналари ҳам янги қиёфа кашф этади. Франция-



Шуниси эътиборга молики, ишбилармонларимиз жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам киришмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги жуда истиқболли лойиҳаларга эгалар. Шаҳар ҳокимлиги бу лойиҳалар ичидан энг истиқболлиларини танлаб олиб, уларни рўёбга чиқаришда ҳар тарафлама амалий ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Бизнинг фикримизча, «Созандор» хусусий фирмасининг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, «Каноп» жамоа корхонасининг презент, «Но-

та. Сизларга маълумки, бу йил республика Давлат мулк қўмитаси ва Марказий банкнинг кўп қаватли маъмурий бинолари фойдаланишга топширилди. Мустақиллик кўни арафасида Марказий Осиёда тенг йўқ ноёб «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳамда 3 минг ўринли Юнусобод ёпиқ теннис корти бутун чиройини кўз-кўз қилади. Ботаника боғи ёнида Тошкент ҳайвонот боғи жойлашади. Сергели туманида сунъий сув ҳавзасига эга ажойиб боғ барпо этилди. Бу ерда 1276 ўқувчи ўринли мактаб фойдаланишга топширилди. Худди шундай янги мактаблар Қоратўш мавзеси ва Собир Раҳимов туманида ҳам барпо этиляпти. Шаҳримизда 25-АТСнинг биринчи навбати ишга туширилади. 73-АТСда эса жиҳозлар монтажи давом этиляпти.

Пойтахтнинг жуда кўп кўчалари текисланди ва кенгайтирилди. Тошкент метросининг Юнусобод йўналишини барпо этиш ишлари жадал давом этмоқда. Миллий байрамимиз тантаналари ўтказиладиган бош майдон — Мустақиллик майдонида янги сахна мажмуаси барпо этилди.

— **Буларнинг ҳаммаси улкан бунёдкорлик ишлари собитқадамлик билан давом этирилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Аммо Сиз турли кенгашларда нима қилинганлиги тўғрисида эмас, балки нима қилишга улғурилмаганлиги, фойдаланилмаган имкониятлар тўғрисида кўпроқ гапира-сиз. Тошкент шаҳрининг ҳокими сифатида Сизни қайси муаммолар айниқса кўпроқ ўйлантиради?**

— Ҳақиқатан ҳам биз шаҳарда анча кўпроқ ишларни қилишимиз мумкин эди. Нима учун бу имкониятлар бой берилди? Нафсиламбрини айтганда, бунинг объектив сабаблари ҳам бор. Лекин кўп нарса ўзимизга, ишбилармонлигимиз ва ташаббускорлигимизга, масъулиятдан қочмаслигимизга, мақсадга эришиш учун собитқадамлигимизга боғлиқдир. Умуман шаҳар бўйича саноат ишлаб чиқариши ўсаётгани холда деярли ҳар тўртта корхонадан биттаси бу кўрсаткичларни пасайтиришга йўл қўйди. Шаҳарда экспорт имкониятларини кўпайтириш учун ҳали жуда катта имкониятлар мавжуд.

Аҳолиси 2 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этадиган Тошкентдек улкан шаҳарда бошқа муаммолар ҳам анчагина. Биз пойтахт аҳолисининг уй-жой — коммунал ҳўжалиги, жамоат транспортига асосли эътирозларидан яхши хабардормиз. Мавжуд камчиликларни бартафат этиш, тошкентликларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш учун барча чора-тадбирларни қураимиз.

— **Ҳамшаҳарларимиз Президентимиз Исом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» китобларида «Марказий Осиёнинг юраги бўлган Тошкент, рамзий қилиб айтганда, Шарқ дарвозаси ҳисобланади» деган сўзларини улкан мамнунилик билан кутиб олдилар. Мустақил давлат пойтахти бўлиш факри, шу билан бирга жуда катта масъулият ҳам юклайди...**

— Ҳа, биз бу масъулиятни тўла ҳис этиб турибмиз. 40 мамлакат Тошкентда ўз элчионаларини очган. Пойтахтимизда кўпгина халқаро ва чет эл ташкилотлари, компаниялар, фирмалар, банклар ўз ваколатхоналарига эгалар. Шаҳримизда кўпгина халқаро анжуманлар, Тошкент халқаро кинофестивали катта муваффақият билан ўтди. Яқинда эса Тошкентда «Марказий Осиё» — ядро қуролидан ҳоли зона» жуда нуфузли халқаро анжумани бўлиб ўтади.

Бугунги кунда бутун саяҳат-ҳаракатларимиз республикамиз мустақиллигининг 6 йиллигини катта байрам қилишга қаратилган.

— **Ана шу улғу байрам арафасида тошкентликларга нималар тиламоқчисиз?**

— Тинчлик, сўхат-саломатлик, бахт-саодат. Балаандларов сўзларга асло мойиллигим йўқ. Аммо биз жуда ҳам ажойиб даврда яшаётганлигимизни айтмаслигимнинг илоҳи йўқ. Тўғри, ҳаётимизда қийинчиликлар кам эмас. Турмушимизни ҳам жуда бут дейишга ҳали эрта. Бироқ бизнинг ўтмиш ва келажақ ватандош авлодларимиз олдида ҳеч шубҳасиз жуда катта устун томонимиз бор. Бу бизнинг Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганлигининг гувоҳлари эканлигимиздир. Бу бизнинг ана шу мустақилликни бевосита мустаҳкамлашда иштирок этаётганлигимиздир. Шундай экан, бизнинг авлод бугунги бунёдкорона қаҳрамонлиги Тарих томонидан муносиб баҳрланишига асло шак-шубҳа йўқ.

Сўхбатни Эркин ЭРНАЗАРОВ олиб борди.

ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН



камиз Президентининг хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилмаган корхоналарнинг келажаги йўқ, деган гапларини жуда яхши биладилар. Ҳозирги пайтда Тошкентда хорижий инвестициялар жалб этилган 1260 та қўшма корхона ишлаб турибди. Шаҳар иқтисодиётига жалб этилган хорижий сармояларнинг умумий ҳажми 900 миллион АҚШ долларидан ортди.

Бу йил икки қаторли пахта териш машиналари, шунингдек дон комбайнлари ишлаб чиқарадиган «Ўзкейсмаш» қўшма корхонасини ташкил этиш масаласи ҳал бўлди. «Ўзиталмотор» ҳиссасдорлик жамиятида 92 от кучига эга бўлган «Камминз» двигателларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш ишлари ниҳоясига етмоқда. «Тошкент трактор заводи» ҳиссасдорлик жамиятида «Кейс» фирмаси билан биргаликда 90-130 от кучи қувватига эга бўлган чопиқ тракторлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Шаҳар телефон алоқаси тармоғини янгиллаш ва таъмирлаш учун қанчалик кўп иш қилинаётганлиги сизларга яхши маълум.

Куни кеча «Самсунг электроникс» компанияси билан «Алгоритм» ҳиссасдорлик жамиятида маиший техника ишлаб чиқаришга мўлжалланадиган қўшма корхона ташкил этиш юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. Шаҳарда хорижий шериклари билан сочик, қандолат маҳсулотлари, шу жумладан сақич, ювувчи воситалар, идора мебели, пластмасса идишлар, чой, озиқ-овқат маҳ-

нинг «Буйг» фирмаси эса пойтахт марказида тўрт юлдузли меҳмонхона қурилишини бошлаб юборди. Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда «Аския» деҳқон бозори ўрнида супермаркет барпо этиш мўлжалланмоқда.

Маълумки, Туркиянинг «Айсел» фирмаси халқаро бизнес маркази қурилишини ниҳоясига етказмоқда. Худди шундай бизнес марказни Жанубий Корея томони билан ҳам барпо этишни мўлжаллаганмиз.

— **Мустақиллигимизнинг энг катта ютуқларидан бири, фикримизча, одамларга иқтисодий эркинлик берилиши, уларни маъмурий-буйруқбозлик тузуми ҳукмронлигидан халос этиш, ишбилармонлик ва ташаббускорликни намоён этиш учун барча шарт-шароитлар яратилиши, мулкдорлар синфининг шаклланаётганлиги бўлди. Шу туфайли иқтисодиётда тadbиркорлар, бизнес эгалари тобора катта мавқега эга бўлиб бормоқдалар. Тошкентда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун нима қилиняпти?**

— Бу ерда яна рақамларга мурожаат қилишга тўғри келади. Ҳозирги вақтда шаҳар саноати таркибида давлатга қарашли бўлмаган мулк 89,5 фоизни ташкил этади. Шаҳарда 13 мингтага яқин кичик бизнес корхоналари, шу жумладан саноатда қарийб 1500 та, қурилишда 1750 та кичик ва хусусий корхоналар ишлаб турибди. Уларда 140 минг меҳнатга лаёқатли одам ишламоқда.

ватор» фирмасининг алюмин профиллар, «Махсусполимердренаж»нинг металл ва пластмассадан эшик ва ойна ромлари ишлаб чиқариш бўйича, бошқа бир қатор инвестиция лойиҳалари жуда қизиқарлидир. Биз улар ўз лойиҳаларини амалга оширишлари учун валюта кредитлари олишларида ёрдам кўрсатамиз.

— **Шу йил баҳорда пойтахт Тошкент билан биродарлашган Сиятлинг катта делегацияси келган пайтда АҚШлик меҳмонлар Сизнинг ҳозирги пайтда шаҳарда турли қурилиш майдонларида бирийўла 200 тадан кўпроқ катта кран ишлаётганлиги тўғрисидаги гапингиздан жуда таъсирланиб кетганлари яхши ёдимда. Одатда ҳеч нарсадан ажабланмайдиган америкаликлар Тошкентдаги қурилиш қўламларидан ҳайратга тушдилар. Улар атиги бир-икки йил ичида шу қадар кўп, айниқса бетакрор бино ва иншоотлар бунёд этилиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаганликларини ошқора айтдилар. Миллий байрамимиз арафасида пойтахтда яна қайси иншоотлар фойдаланишга топширилади?**

— Ҳақиқатан ҳам Тошкент улкан қурилиш майдонида айланди. Шунга айтиш қиёфаси, 1997 йил бошидан буён пойтахтда 12,5 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу республика раҳбарияти, биринчи навбатда Президентимизнинг Тошкентни қайта қуриш ва обод қилиш юзасидан кўрсатётган беқиёс ёрдамлари натижасидир, албат-





ШУКУҲЛИДИР БУГУН ИҚБОЛИНГ, ШОНИНГ ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ЎЗБЕКИСТОНИМ

Минбар

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

МУҲТАШАМ ҚАСР МЕЪМОРЛАРИ

Фикримни улуг байрам арафаси кўнгилда тугиладиган шодлик ҳаяжонини ёзишдан бошлай: мустақиллиқни дадил оёққа турғизиш, унинг муҳташам қасрини тиклашдек кутлуғ ишда кўп қатори қатнашиш шарафи насиб этгани учун Аллоҳга шукроналар айтиб, фахрлангим келади.

Одамларимиз кўрақларига истиқлол шабадаси тегиб, асрий армонлари ушалоли, эркин нафас ола бошлаганларига мана олти йил бўляпти. Шу муддатнинг ҳар бир йили ўз ичига сиғдирган воқеалари кўлами жиҳатидан ўн йилларга тенг келгудай десак янглишмайман. Мамлакатимиз ҳаётида юз берган улкан бурилишлар беқийс. Биз фақлат уйқисидан уйқисига, узоқ давр ичидаги мутойиқ бало-сидан қутилганимиз аён бўлди. Қўл-оёғи тушовлардан бўшатилиб, тузоқдан чиққан қўш қаби ўз эркича яшашнинг дастлабки қийин, мураккаб имтиҳонларидан дадил ўтиб олди. «Энди тақдиримизни бировларга кўз тутиб ўтirmай ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ўз ихтиёриймизча ишлаб, хоҳлаганча кун кўриш имконига эга бўлдик. Шукри пешонамизда шундай кунлар боракан!» деб хурсанд бўлишмоқда одамлар. Улар яна шуни оқиб тушунишгапти: истиқлол бизга ота этган ҳурриятга гард, гўбур юқтирмасдан, уни ёмон қўллардан авайлаб-асраш учун ҳам масъулиятни сезиш, ўзаро иттифоқни ва тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидай асраш керак!

Халқимиз чўққига интилган алыпнистлар каби ҳар бир қадамини ўйлаб ва ўлчаб ташлаган ҳолда мардона юқорилаб бормоқда. Мустақил давлат нималарга қодир эканини кўрсатиб, кунба-кун қадамини дадилроқ ростламоқда. Бутун жаҳонга бўйлаб одимламоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз кўрки жамоли очилиб, янгидан-янги улкан қурилишлар, жаҳон андозасига тенгшлугудай корхона, қурилишлар, фермерлар савлат тўкиб, ер ости ва ер усти бойлиқларимиз рўёбга чиқиб, маданият бобидаги ишларимиз ҳам равақ топиб, юртимиз қиёфаси ўзгарган сари, жаҳон бизга ўз дарвозаларини баралла очмоқда. Манамен деган давлатлар кенг қучиб кериб ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Албатта иқтисодий ҳаётдаги силжишлар маънавий бобидаги ўзгаришлар билан ҳамоханг олиб борилаётган кувончларидир. Маънавийсиз келажак йўқ. Бизга ўзлгимизни таниш, қадр-қимматимиз нималарга қодирлигимизни англаб етиш, ўз тарихимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш имкониятлари кенг очилди. Улуг аждодларимизнинг узоқ вақт бизга етказилмаган ноёб меросларини кўлга киритишда анча илгарилар борямиз. Буларнинг бари халқимиз онги-тафаккурини, маънавий дунёсини бойитишга, айниқса, истиқлол тараққиётининг катта қучлари бўлган ёш авлод таълим-тарбиясини дуруст йўлга қўйишга катта йўл очаяпти. Зеро таълим-тарбия мустақиллиқнинг ишончли пойдевори эканлиги маълум.

Президентимиз шуларни ҳисобга олиб, мустақиллиқнинг дастлабки йиллариданоқ ёшлар ва болалар тарбиясига катта эътибор бера бошладилар. «Соғлом авлод учун» нишони таъсис этилган, шу номда жамғарма тўзилган, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур яратишга киришилган, иқтидорли ёшлар сафининг ўстириб борилаётгани, уларни ўқиш учун йирик мамлакатларга юбориб турилгани келажикда буюк давлатнинг муносиб эгалари ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидан дарак бериб турибди. Билимга чанқоқ, аниқликларга ўч, ғайратли жўш уриб турган, ўқишда ва касб-корларини эгаллашда намуна кўрсатаётган ўғил-қизларимиз кўп. Фақат уларнинг қаторини кенгайтириш, қобилият кўртакли кўринган болаларни синчиқлаб ажратиб олиш, ўз вақти-соатида турри йўлга солиб юбориш лозим бўлади. Аввало тарбия оиладан бошланишини унутмайлик. Бола нима яхшию нима ёмон, ҳалол билан ҳаромнинг, савоб билан гуноҳнинг фарқи ҳақида илк сабоқни оилада олади. Бола мактаб ёшига етган эса ота-она муаллимлар билан биргаликда болада илмга, меҳнатга, Ватан хизматига меҳр туйғуларини шакллантиради. Болаларнинг бўш вақтларини фойдали ишлар, керакли машғулотлар билан банд этилган ота-оналар яхши иш қилган бўладилар. Оила — бош тарбия мактаби, дейилгани бежиз эмас.

«Болали уй — бозор», деган гап бор. Бизнинг шод-хуррамлигимиз, оила ва жамиятимиз ободлиги, мунавварлиги, кўркемлиги, орзу-умидларимиз ҳаёт гуллари бўлган шу болажонларимизга, уларнинг таълим-тарбиясига қаратайлик. Йўлбошчимизнинг, ҳукуматимизнинг ёш насл ғамини еб, ота-оналар таъминини енгиллатишга қаратилган қарор тadbирларини рўёбга чиқаришга белни маҳкам боғлаб киришайлик. Фарзандларимизни маънавияти етук, одоб-ахлоқли, билим ва меҳнатга қалбдан берилган бадастур инсонлар қилиб етиштиришга нимаки лозим бўлса ҳаммасини қилайлик!

Мен бир кеска ёзувчи сифатида узоқ йиллик тажрибада амин бўлдимки, болалар тарбиясига китобдан, бадий сўздан кўра қучлорқ таъсир этувчи омил йўқ экан. Китоб ўқийдиган бола билан китоб ўқимайдиган бола ўртасида осмону ерча фарқ кўраман. Бўш вақтларини китобхонликка бағишлаган бола ақл-идроки, фикрию зикри, дунёқарashi, ҳулқию одоби билан аққол ажралиб туради. «Китоб — фикрнинг толмас қанотларидир» деб турри айтишган улуглар.

Ўз иходий меҳнатини навқирон авлодга бағишлаган биз, ёзувчилар ҳам ёш китобсеварлар учун яхши, кўркем асарлар яратиб беришни ўзимизнинг шарафли фуқаролик бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Мустақиллиқнинг муҳташам қасрини илдам суръатлар билан бунёд етарканмиз, бу қасрнинг ҳақиқий меъморлари — келажикда буюк давлатнинг эгалари бўлган ёш авлодга бутун эътиқодимизни қўямиз. Уларнинг камол топиши йўлида ҳеч нарсани аямаймиз. Бу ҳусусда муҳтарам йўлбошчимиз Ислам Каримовнинг сўзларини ёддан чиқармаймиз: «Юксак маърифатли, ҳар томонлама салоҳиятли авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифа олдимизда турибди. Баркамол инсонни воқая етказиш учун энг аввало оила, маҳалла, мактаб, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим. Бизнинг фарзандларимиз нихоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қолдирлаш, имкониятларини юзга чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир...»

Хизмат сафари билан вилоятларга кўп борганман. Дастурхон устида «қаердансиз» деб сўрашади. Албатта, бу одатий ҳол. Дастурхонингдан туз тотиган одам кимлигини барчанинг билгиси келади. Шунда мен ҳам фахр билан:

— Тошкентданман, — дейман.

Меъморларнинг юзига ёруғ бир табассум югуради. Пойтахтни, ундаги ноёб обидаларни сўраб-суриштиришади. Ўзим ҳам суҳбатлардан кейин Тошкентни яна ҳам қаттиқроқ соғинаман...

Ўзга давлатга боргудек бўлсак, албатта Ўзбекистонданман деймиз. Энди меъморлар бири олиб, бири кўйиб ўзбек диёрини мактайдилар. Ғўзал боғларини, меҳнаткаш одамларини таърифлайдилар. Шунда оламжаҳон фахр-ифтихор билан кўрақ кераман... Вужудимда эса ажиб бир туйғу мавжланади. Бу — Ватан туйғуси...

Ватан туйғуси!

Биз инсонмиз. Ватан битта, она қаби ягона эканлигини жуда ҳам яхши англаймиз. Сиз тилсиз бир қўшнинг ошенини бузиб кўринг. Унинг беором чирқилишидан Ватанини қанчалар эъзозлашини билиб, қилган ишингиздан пўшаймон бўласиз...

Ватан туйғуси...

Ровийлар ривоят қиладилар. Ёғил билан бўлган жангларда баҳодир бир йигит доимо сафнинг олдида бўлибди. Унга на ёвнинг

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Ўқи, на тиги таъсир этибди. Душман лашкарбошиси машварат қақирибди.

— Баҳодир агар яна икки кун шундай жанг қилса, ҳолимиз хароб, — дебди у. — Қандай бўлмасин уни йўқ қилиш чорасини ўйланг.

Кора ниятли сеҳраг бу сўзни эшитиб узоқ ўйга толибди.

— Уни енгил мушкул, — дебди у, нихоят, — баҳодирни енгилмас қилган юрт муҳаббати. Унга фақатгина юртини шундай севган баҳодиргина бас кела олади.

Не-не душман пахлавонлари баҳодирга рўбарў бўлибдилар. Лекин барчаси мағлуб бўлибди. Унга заҳарланган юзларча ўқ узибди-

лар, лекин баҳодир қилт этиб тебранмабди. Ҳатто заҳарли ўқлар ҳам унга қор қилмабди. Нега десангиз баҳодирнинг белига боғланган бир қафт тупроқ уни балоқазолардан асрабди.

Ёғил енгилди.

Ватан туйғуси...

Бу муқаддас туйғу йимонли, эътиқодли одамларда бўлади. Ҳадиси шарифлардаги — «Ватанин семвок йимондандур» деган муборақ калимани эсланг. Юра-

шайтоний туйғулар барҳам топиб, олиханоб истаклар эгаллар экан. У энди одамларни ўз ортидан эргаштиришга ҳам қодир бир инсонга айланар экан. Унинг қалбини бир сурон. Ватан туйғуси эгаллаб олар экан...

Мустақиллигимизнинг олти йиллик тантаналарига бир олам муҳаббат билан келдик. Бир олам орзу билан келдик. Юртимизнинг қадди-бастици яна ҳам юксалтирсак, йўлбошчимиз бошлаган йўлдан мардона юриб, янада улкан зафарларга эришсак деган азму қарор билан келдик.

Кўк ўлар оқ тала хирмонинг, Оқидир барчага дастурхонинг. Бугундир тер тоғман оқ нонинг Бор бўлган бу неъмат, бўлгуси. Дилда ёксин бор Ватан туйғуси.

Ёвмасан, ёвмасан, ёвмасан, Оқидир бахтига қонмасан, Бир майса гуллардек унамасан, Эртангиз қандайин бўлгуси? Дилда ёксин бор Ватан туйғуси!

Бугун сен Алломиш бўлаюл, Оқидир барчага тўлаюл, Келажак офтобдек қулаюл, Барча зафарларинг белгиси Дилдан ёксин бор Ватан туйғуси!

Йўлнинг қомилки, бу туйғу барча ватандошларимиз юрагини тўлдирди, қайнаб турди. Бу туйғу қалбимизда бор экан эртанги кунимиз — бахтимиз жамолига асло гўбур тушмагай.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Назм

ОЛТИ ЙИЛ

Олти йил тарих учун
Бўлса-да қисқа муддат,
Янги куч, ғайрат билан
Элим тиклай олди қад.

Истиқлол — энг аввало
Ўзин-ўзи танишдир.
Рухингди уйғонишдир,
Юрт меҳри-ла ёнишдир.

Ал-Бухорий, Яссавий
Рухидан олиб мадад,
Қилдик тава-тазарру,
Қайтди йимон, диёнат.

Ўзбекча одат-удум,
Ўзбек тилим яшасин,
Ассалому алайкум
Деган элим яшасин!

Буюк Темур Ватани,
Қаддин тиклаб,
Кучди шон.

Бугун Ўзбекистонни
Қайта таниди жаҳон.

Ўзин англаб ўзбеклар
Йўлданги миллий ғурур.
Келажикда буюк юрт —
Ўзбекистон озод, хур.

БОТИРЛАР ВАТАНИ

Боболар орзу қилган
Озод, хур Ватаним бор.
Бу бахт, бу қувонч мангу
Нечун қилмай ифтихор?

Менинг кўхна Туроним
Мард, ботирлар Ватани.
Тўмарисдай, Широқдай
Баҳодирлар Ватани.

Бобомиз Амир Темур
Севган, сизинган Ватан.
Бобур Мирзо бир умр
Қўмсаб, соғинган Ватан.

Юртимиз осмониди
Чакнарган минг-минг
Юлдуз,
Ундан Улугбек бобом
Узолмаган сира кўз.


Инсон Ватан дер ҳар чоқ,
Ватан — шодлик, қайғуси.
Ватанин озод кўрмоқ
Бўлган улар орзуси.

Ватан меҳри эрларни
Ундаган жасоратга,
Ватан меҳри дерларни,
Синовдир садоқатга.

Ватан сўзин ўлгонлар
Тилидан қўймаганлар.
Усмон Носир, Қўлпонлар
Ҳуснига тўймаганлар.


Ватанин Ўзбекистон
Қадди расо озоддир.
Шу юртин деб берган жон
Боболар руҳи шоддир.

Рауф ТОЛИБ,
Абдулла Авлоний
номидаги мукофот
соҳиби.



«Ўзбекистон қўшиқ байрами»да янраган қўшиқлар дил тубидан чиққанига шубҳа йўқ. «Ватан» деганда тиллари булбул бўлади хонандаларнинг.

Рустам Шарилов олган суратлар.



Истиқлолнома

РУҲИ ЖОНИМДИР

Ватан тупроғин ҳар
гарди қадрили,
Шарқию, шимоли,
гарби қадрили.
Ватан деганимда
ҳаяжон билан,
Тез урган юракнинг
зарби қадрили.

Юртни бойитмоқни
ҳар кунни ўйла,
Фаровон этмоқни
ҳар кунни ўйла.
Ҳар кунни бу йўлда
бир иш қилмасанг,
Ўзингдан ўзингга
ачиниб сўйла.

Бу Ватан қувончим,
ғам-ғуссам менинг,
У руҳи жонимдир
ҳам ғуссам менинг,
Ватан камалидир
умрим маъноси,
Ватан тақдиридир
шеър, қиссам менинг.
Ватан бўлса унга фидо
топилар,
Ватан деб янраган
садо топилар.
Ватандан воз
кечиб бойликка учма,

Ватан бўлса молу
дунё топилар.
Фикр этгин бизнинг Ватан
Туркистондир,
Туркистон бу-қўхна, қадим
бир макондир.

Сени тўққан халқ,
зўр, буюк халқдир.
Инсоният қарвон бўлса
у сарбондир.

Ҳар не гуноҳ қилсанг
кечирмоқ мумкин.
Гуноҳингни ёддан ўчирмоқ
мумкин.

Лекин сен Ватанга
хиёнат қилсанг,
Сенга оғуни ҳам
ичирмоқ мумкин.

Менга аччиқ қилсанг
қилавер, майли,
Кимга аччиқ
қилсанг қилавер майли.
Аммо Ватанинга
аччиқ қилсанг гар,
Бўйинингга тавқи лаънат
илавер, майли.
Абдулла ЖАЛИЛ.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Фарҳод МУСАЖОН

ҲУРЛИК НУРИ

(Хикоя)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сониди).

Айниқса қўрбошининг қаҳри қаттиклиги, бировнинг фикрини эшитишга тоби йўқлиги, ўзбошимчилиги йиғилганларни раҳнатидир, лекин дарафлар ичида, қўрбошига тил текказиб бўлмасди. Аслида ёмон одам эмасди қўрбоши, акли-хушли, доворак, энг асосийси адолатпарвар инсон эди. Йиғилганларнинг қорини тўғайсаман, эгини бут қиламан, деб қамбағалини таламасди. Ноҳақиқат, талончиликка йўл қўймади. Баднафс йиғилганлардан бирининг ночор оиланинг яққало ягона эҳкисини тортиб олгани учун ўз қўли билан қаласини ўзиб ташлаганди. Аммо еийш, кийиниш керак эди, шунинг учун бойлардан, ўзига тўқ ўрта ҳол хурмарандлардан қайтариб бериш шарти билан қарз оларди.

Босмачилик ҳаракати узоққа чўзилмади, қучга тўлмади аста-секин инқирозга учрай бошладилар. Сабаблари кўп эди. Аввало катта-кичик гуруҳлар орасида ўзбошимчилик йўқ, ҳар бири ўз ҳолча жанг қиларди. Қўрбошига қўрбоши Бўриқўжага ўз сафига қўшилишни тақдир қилиб хат жўнатди. Бўриқўжага ўйлаб қўришни ваъда қилди. Бироқ озодлик қурашчиси сифатида майдонга чиққан Бўриқўжа вақт ўтиши билан айниди: ҳокимиятнинг мазасини тушуниб қичкина подшоҳга айланди, бировга тобелик қилишга бўйни ёр бериб қолди. Бу табиий, ҳамма нарсани бўлашиш мумкин, фақат ҳокимиятнинг эмас, чўки у мулқчилик қурилади. Бинобарин, Бўриқўжа ҳам Қўрбошига жаҳонни чўзиб юрарди.

Шу тариқа бошқа қўрбошилар ҳам ҳокими мулққа айланган, уларнинг бошини қовуштира оладиган қудратли шахс йўқ эди.

Иккиламчи босмачиларнинг сони қўзил аскарларга нисбатан бир неча чаклон кам, душманга заҳардоран тортиб хатто самолётчага булган бир тақдирда, босмачилар қилич, тўпдонча, милтик билан қуролланганлариди, устига устак ўқдор билан таъминлаб турадиган манбалар кам эди.

Энг асосийси босмачилар орасида келишмовчилик, сиёсий ва мафкуравий мунозаралар авж ола бошладилар. Маънавий бирлик, руҳий тетиклик йўқ ҳолда ғалабага эришиш амри маҳол. Йиғилганларнинг ақсариёти гарчи ҳамоно ўз эътиқодига содиқ қолса-да, қурашни ортқ давом эттириш бемаънилик, бекорга қирлиб кетиш эканлигини англай бошладилар.

Бўни биринчи бўлиб Азимбек билан Мирвақос тушунди. Ҳар қандай — хатто энг олий мақсад йўлида олиб бориладиган урушда ҳам талай ноҳақлик ва адолатсизликларга йўл қўйиларди, қанчадан қанча бегуноқ қиссалар қурбон бўларди. Азимбек билан Мирвақос ўн йил ичида асир кексаларга айланди. Ёшлиқнинг олижаноб уй-фирқлари, муқаддас ҳис-туйғулари, бегуноқ наҳидаси сўниб, ўрнини мискинлик қолди.

Нафис ва тиниқ орзу-умидлар хиралашиб, қаҳрлари қаттиқлашди, юраклари дағаллашди. Назарларида бир қадар ваҳшиётлашиб кетгандек эдилар.

Бошқа босмачи гуруҳлари сингари Бўриқўжа йиғиллари ҳам таназулга учради.

Уша охириги тун Мирвақос хотирида ёрқин сақланиб қолди.

Термиз шаҳрининг қўйроғида, асов Амунинг хилват қирғоғида, беҳаловат зимистон тўнда киндик қони тўкилган она юрт билан видолаш маросими ўтди. Дарё лабиди йиғилган ўттиз нафарини эркак ва бешта аёлнинг қўлакмаси қоронғуда аранг кўзга чалинади. Булар қўрбошининг яқинлари, тор-мор этилган катта лашкарнинг заиф сенси эди. Аёлларнинг иккитаси қўрбошининг қонуний заҳаси, бошқа иккитаси йиғиллар хизматиди — ҳам қўри, ҳам қўнғилхўшлик манбаи, бешинчиси эса энди ўн учга қирган Гўлчаой имли қизча эди.

Тоғли қишлоқлардан биридаги жангда Қодир қўтос Гўлчаойни қўриб ҳуснига маҳлиё бўлиб қолади. Қўрбошига совға қилиш ниятида олиб қочади. Мақсад қизчага яхшилик қилиш эди: қўл болали бир фақирнинг қизи Гўлчаойни қишлоқда бири икки бўлмади, қўрбошига тегса бошига бахт қўшиб қўриб, бадавлат ҳаёт кўриши, ўйлаганида Қодир қўтос. Яна билардики Қўрбоши анчайин маънавият билишига қарамай никоҳлаб олмасдан аёл зотиға яқинлашмасди.

Қодир қўтоснинг панжасида Гўлчаойни қўрган Мирвақос ҳали она сўти оғзидан кетмаган қизчага юраги аниди. Йўл-йўлакка йиғилган асирлар, қизчалар ундан сўраб олди. Бироқ Гўлчаойга бирор марта ҳам ёмон кўз билан бокмади. Не-не машаққатлар билан пана-пастамда асраб, қўрбошининг қўздан узоқроқ тутиб юрди. Бу ишда унга қўрбошининг катта хотини қўмақлашди, ҳали гўдак экан деб, Гўлчаойни ўзига қанайиб қилиб олди.

Авалгига зийрак Гўлчаой Мирвақосдан оҳудек хурқиб ўзини четта олиб юрди. Аммо вақт ўтиши билан қўрқуви бориб Гўлчаойнинг даст кўтарди-ю, отининг ичига аста-секин англади унга ақасидек суяна бошладилар.

Алқисса, алоҳида ўтирган иккала давра — аёллар ҳам, эркаклар ҳам қон қўнғиллаб, она тупроқ билан видолашар эдилар. Зиёфат шовқин-суронсиз, маънос ва мотамсор эди. Шароб аччиқ ўйлардан, эштирибдан тарс ёрилай деган қаллаларни баттар гангитган, мастона кўзларда алам ва қайғу, хаста диллар минг пора...

Мирвақосни ким қуталти номаълум ўлкаларда? Ота-онасини, сингил-укаларини кимга ишониб ташлаб кетади? Бироқ ортга йўл, қолишга илож йўқ. Қўлга тушган босмачиларни қизиллар суд-суроксиз отиб ташлашади. Бироқ ватангадолиқдан улим афзал эмасми?

Бу ёми бир дақиқада бўлиб ўтди. Мирвақос югуриб бориб Гўлчаойни даст кўтарди-ю, отининг ичига ўнгарди, кейин сағчиб ўзи ҳам минди-да, қамчи уйнатиб саманини даст томон сўриб кетди.

Олдинга ҳамма қотиб қолди. Биринчи бўлиб қўрбоши ўзига қолди. Йўқ, у шовқин қўтармади. Қўп ийилки жанглар уни шу қадар қарчатган эдики, ҳозир расман жаҳли чиқшига мадори қолмаганди.

У ерга тиклангича ҳаёлчан ўтираверди: Мирвақос энг зўр, энг садоқатли йиғилларидан эди. Бир марта қўрбошини улимдан ҳам қутқариб қолганди.

Шундай доворак йиғилдан ажраб қолиш, шундай дилгир пайтда унинг ҳоинлик қилгани қўрбошига алам қилди.

Чидемади, чоки сўқилиб кетди итвачанининг, — деди у мулқло ҳиссиз, туйғусиз овозда. Кейин эриниёғинга учта йиғилнинг юмини атади.

Номи аталган йиғиллар савол бериб ўтирмадилар. Чўки ҳаммаси шундоқ ҳам аён эди. Ёзилмаган қондага қўра ҳоинлик қилган қимсаннинг қалласи ўзиб келтирилибди.

Йиғиллар отларига эгичли миниб, Мирвақоснинг кетидан қувиб кетдилар.

Олдинда қичкинагина қишлоқнинг чироқлари милтиллаб қўринганда, Мирвақос орқадан от дупурини эшитди. Қишлоққа этиб олишга қўзи етмади, бир ўзи бўлганда-қу елдек ўчиб кетарди-я, аммо икки киши... отта ҳам жабр. Шундай бўлса ҳам у яна бир оз отини елдириб борди. Таъбиб этувчилар унга анча яқинлашиб қолдилар. Шунда бирдан Мирвақоснинг қазаби қайнаб кетди — ахир у шу қўнқача ҳеч кимдан қўнған эмасди. Сайқонлик жойда у отнинг жоловини тартди, шартта тўхтади. Бир қўли билан Гўлчаойнинг белидан олиб оғир қўлди.

— Шу ерда тура тура, — деди-ю отини ўн беш қадамча ор

ХУРЛИК НУРИ

(Охири. Боши 3-бетда).

От олдинги иккала обғини кўтариб, пишқириб кўкка сапчили. Мирваққос Азимбекка ташланди. У ўзига ёд бўлиб кетган ҳийлани ишлатди: худди урмоқчи бўлгандек рақиб бошида қилич ўйнатди ва бирдан, ҳимоячи қилични ўнглаб улгурмасдан, расмана қилиб солиб қолди. Аммо зарб мўлжалга аниқ тегмади. Ха, чайир анча чарчатиб қўйган экан Мирваққосни. Ахир бу зарбнинг у жуда хадисини олволган, ҳеч янглишмасди. Азимбек чап елкасидан жараҳатланганди, аммо бу жараҳат шу қадар енгил эдики, Азимбек ҳатто елкасига ўғирлиб қарашни ҳам лозим топмади.

Мирваққос эса борган сари қизишар, у қизишган сари Азимбек совуқонлашар эди. Кўп ўтмай ҳолдан толган Мирваққос ҳарсиллаб қолди. Бу унинг баттар ғазабини кўзгади, қизик устида ҳимояни ҳам нутиб рақибига қилич сола кетди. Энди бу жангни тўхтатиб бўлмаслики Азимбек тушунди.

Бир маҳал суруп йиртилгандек «шрр» этган товуш эшитилди. Мирваққоснинг бадани биров чўғ босгандек жижиллаб қўйди. Кейинги дақиқада бармоқлари бўшашиб, қўлидан қиличи тушиб кетди, қўзи тиниб, боши айлана бошлади. Эгарда қолишга қанча ҳаракат қилмасин, болдирлари мажолсизланди, ерга «шилққа» ағдарилди. Қўлоғига Гулчаойнинг чинқириги эшитилди.

Азимбек шоммасдан отидан тушди-да, ерда чалқанча ётган Мирваққоснинг тепасига келди. Битта тиззасига чўкди, иккинчи тиззасига тирсагини суяб Мирваққосга маънос тикилди. Қилич унинг башарасидан тортиб кўкси аралаш қорнигача қирқиб тушган эди. Қон тиркираб оқаётгани учун жараҳатнинг қанчалик чуқурлигини Азимбек ажратолмади.

Мирваққос аранг кўзини очди. Худди шуни кутиб турган Азимбек вақтни бери бермаслиқа ҳаракат қилди:

— Гапир, — деди у секингина.

Гапирша, васият қилишга Мирваққосда мадор йўқ эди. У бутун жангни қузатиб турган Гулчаой томон кўзи билан ишора қила олди, холос. Азимбек унинг мақсадини тушунди.

— Хотиржам бўл, оғайни, унга ҳеч қим тегмайди, у энди озо! — Азимбек ҳушидан кетаётган Мирваққос тушуниш учун донда-дона қилиб, ҳижжалаб гапирарди.

Мирваққос кўзини юмди, Азимбек бошини эггича яна бирпас унга тикилиб ўтирди. Ниҳоят қўлидаги қиличнинг икки юзини Мирваққоснинг жараҳатидан оқаётган қонга бўлаб олиб, ўрнидан турди. Аслида қўрбоши Мирваққоснинг қалласини талаб этди, лекин Азимбек қўрбоши бу галчалик шу билан қийофланади, деб қарор қилди.

У белбоғидан ҳамёнини олиб, ҳўсиз ётган Мирваққоснинг устига бир ҳовуч тилла танга ташлади ва шу пайтгача тол баргидек қалтираб турган Гулчаой томон ўғирлиди.

— Жасад хор бўлмасин! — деди қатъий, кейин Гулчаойгами ёки ўзига-ўзими, ҳар қалай мунгли овозда қўшиб қўйди: — Мард йигит эди бу!.. Алвидо, дўстим!

Азимбек иккала шергининг жасадини иккита отга ортиб, икковининг жоловини саманининг эгарига боглади. Сўнг ўзи ҳам гўё елкасидан тоғ босиб тургандек, аранг отига минди. Бошини қўйи солиб ўтирганича бир қўлида дўстининг қонига бўялган қилич, иккинчи қўли билан секин жоловини силтади. От бир-бир қадам босиб, зимистон қаърига сингиб кетди.

Мирваққос бир ҳафтадан кейин ҳароб бир ҳужрада ўзига қелиб кўзини очганида, тепасида унга термулиб ўтирган Гулчаойни кўрди. Кейин башараси ажиндан бўжмайиб кетган мўйсафид пайдо бўлди.

Бу авишқа уни даволаб ўзига келтирган табиб эди. Гулчаой ёш бўлса ҳам пишиқ ва фаросатли қиз эди. Азимбек берган тиллоларнинг қадрини англаб эҳтиётлаб, тежаб сарфлади.

Авалло суриштириб яхши табиб топди. Қўлига битта танга берди, «тузатсангиз яна оласиз» деб Мирваққосни топширди. Тиллони қўрган табиб бор лаёқатини ишга солиб, Мирваққосни даволашга киришди. Мўймиё асл ва асал қуйкиндисидан тайёрланган дори-дармонлар билан муолажа қилди. Мурдага айланмаётган Мирваққосни ўн қон деганда ҳаётга қайтарди. Яна ўн кундан кейин бемор оёққа туриб кетди. Гулчаой ваъдага биноан яна бир танга берди табибга, қолганини Мирваққосга тутқазди.

Бу пулга яхши уй-жой олиб узоқ йиллар бадавлат яшаш мумкин эди. Аммо Мирваққос бу ерда қолишга қўрқди, қичкина қишлоқда бегоналар дарров кўзга ташланади. Ота-онанинг олдига ҳам қайтиб бўлмайди, у ерда отнинг қашқасидек ҳаммага таниш, бир кунда қўлга тушади.

Гулчаойни олиб аҳолиси қурама, шаҳри асим Тошкентга йўл олди. Одамларда шубҳа уйғотмаслик учун асли нанайликмиз, қишлоғимизни сел олиб кетгани сабабли Тошкентга келдик, деган гап тарқатди. Яна шу вақдан — оғизга тушмаслик учун — ҳовли-жойнинг ҳам қўримсизлигини сотиб олди.

Гулчаой билан Мирваққоснинг муносабатлари аллақачон ака-сингилликдан ўтиб росмана ишққа айланди. Бирок ҳар иккови ҳам ҳақиқат саклаб бу ҳақда оғиз очгани журъат еттолмай юрардилар.

Эркак бўлгани учун ташаббуси Мирваққос ўз қўлига олди. Унинг тақлифи билан оила қурдилар. Тотли ва тотув кунлар бошланди, тўққиз ойю тўққиз кун деганда қўчқордек ўғил қўрди. Мирваққос дўстига савдоқат билдириб чақалоққа Азимбек исмини берди.

Саводхон бўлгани учун Мирваққос мактабга ишга кирган, ола тилидан дарс берарди. Аслида бирор қорхонада олдий ишчи бўлиб юргани маъқул экан. Еш авлодга таълим берадиган қимса ашаддий атеист, йўқсиллардан чиққан бўлмоғи лозим эди. Ўзига тўқ яшайдиган Мирваққос айғоқчиларда шубҳа уйғотди, қелиб қичқилгани суриштиришга, ишқал қидиришга киришдилар. Кавлаштириб охири қимилгини аниқлашди.

Ҳеч қандай суд-терговсиз, атиги уч кишининг имзо-си билан отишга ҳукм қилдилар. Собик босмачи устидан чиқарилган ҳукм бошқаларга ибрат бўлсин — тўғрироғи қўрқув тарқатсин учун халқ кўз ўнгига, туғилиб ўсган қишлоқда амалга оширилди.

Эрига қўйиб сил қасалига дучор бўлган Гулчаой икки йилга қолмай оламдан ўтди. Каровсиз қолган етимча Азимбек 1932 йилги очарчиликда ўлиб кетди.

Мирваққоснинг ота-онаси босмачини тарбиялаган унсур сифатида оиласи билан Сибирга бадарга қилинди. Ва ушқларда дом-дараксиз йўқ бўлиб кетди.

Юрт осмонидан қора бўлуплар пайдо бўлиб борлиқни мустабиб зулмати қоплади. Ҳокимият тахтига жаҳолат минди. Ва ҳадемай авомни сўқир, қар, гунг ва соқовга айлантирди.

Таассуфлар бўлсинки зулматнинг умри узоқ бўлди. Сабаби лўтивозлар, маддоҳлар, тилёғламачи сафсатавозлар қорани оқ дедилар, зулматни рўшнолик деб мактадилар. Ҳамду-сано зўрайган сари иллатлар чуқурлашиб жамият тубсиз ботқоққа ботаверди.

Зулматга қарши бош кўтармоқчи бўлган айрим фозил кишилар аёвсиз янчилди, қатагон қилинди.

Бирок ҳар нарсанинг адоғи бўлади: етмиш қишдан сўнг қалин бўлуплар орасидан ниҳоят Истиқлол қуёши, ҳурлик нури мўралади.

Бу нур оромбахш, илқ эди.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 март УП-1740-сонли Фармони, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 30 майдаги 277-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг «Республика мезо-субавот ҳўжалигида демонополаштириш ва махсуслаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 18 июлдаги 363-сонли қарорини бажариш борасида бир қанча ишлар олиб боришмоқда.

«Ўзқурилишматериаллари» концернига қарашли «Сан-куртабмирош» АЖ, «Турон ОНИКС» АЖ, «Тошмармар» АЖ, «ТОМЗ» АЖ, «ТошМК» АЖ ларининг ва «Ўзметсабзавотўзметсабзавот» ассоциациясига қарашли бир нечта АЖларнинг устас фондлари қайта қуриб чиқилиб, иккиламчи эмиссия ҳисобига Вазирлар Маҳкамасининг қароридида қўрсатмалар амалга оширилди. Акциядорлик жамиятларининг умумий йиғилишлари ўтказилди.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимининг қимматли қоғозлар бозори ва унинг қатнашчилари фаолиятини тартибга солиш сектори томонидан 1996 йилда 28 та, 1997 йилдан 1 июлгача эса 79 та акционерлик жамиятларининг акциялар қиқарилови, жойлаштирилиши ва уларга дивиденд тўлиниши текширилиб улардан 1996 йилда

19 та, 1997 йилда эса 52 та акционерлик жамиятида йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф этиш учун қўрсатмалар берилди ва иқтисодий жаримлар ундирилди.

Текшириш натижаларидан кўриниб турибдики, агар 1996 йилдаги 28 та ва бу йилдаги 79 та текширувлар сонини 100 фоиз деб олсак, 1996 йилда

ДМҚнинг Тошкент шаҳар бошқармасида

ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ НИМАЛАРНИ КўРСАТДИ?

67 фоиз акционерлик жамиятларидан, яъни 19 та жамиятларда қонунбузарликлар аниқланган бўлса, 1997 йилда эса бу кўрсаткич 65 фоизни ташкил этди, яъни 52 та акционерлик жамиятларидан қонунбузарликлар аниқланди.

Масалан, қўпчилик акционерлик жамиятлари ҳисобот йиллари бўйича акционерларга дивиденднинг нотўғри ҳисобламоқдалар, бу эса Ўзбекистон Республикасининг «Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг бузилишига олиб келади. Масалан, «Компрессор», «Юлдуз», «Тойабзалчи» ва бошқалар. Шунингдек, қўпчилик акционерлик жамиятларида акциялар қиқариш ва уларни муомалага қиритишнинг белгиланган тартиби бузилганлиги аниқланган. Масалан, «Ўзгаз» трикотаж буюмлар моделилари уйи, «К-Шарк», «Марс-МН», «Омад резина», «Тайсот» ва бошқа акционерлик жамиятларида бундай ҳоллар учрамоқда.

тон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржаси тўғрисида»ги ва «Акционерлик жамиятлари ва акционерлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг бузилишига олиб келмоқда. Бундай акционерлик жамиятларига «Баракат», «Махсус созлаш», «Учкун», «Уртаосиё-ранглиметэнерго», «Метин», «Ўзавтошина» ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу юқоридаги юзага келган, яъни акционерлик жамиятлари томонидан йўл қўйилган ҳато ва камчиликларнинг сабаби нимада, деган савол турғлади.

Бундай сабабларнинг энг асосийси бу акционерлик жамиятларига юқори ташкилотлар томонидан ҳеч қандай ёрдам берилмаётганлиги, яъни давлат бу ташкилотларга ўз улушини бошқариш ҳуқуқини берган бўлса ҳам, улар томонидан қамдан-қам бу ишга эътибор берилмаётганлигидир.

Юқори ташкилот ва акционерлик жамияти ўртасида дав-

лат улушига тегишли дивидендлардан фойдаланиш учун икки томонлама шартнома ўз вақтида тузилмаётган, натижада бу маблағлар жамият ихтиёрида ҳаракатсиз қолмоқда. Бу юқори ташкилотларда ҳусусийлаштириш бўлимлари бўлиб, бу бўлим томонидан акционерлик жамиятларига ҳозирги кунда қимматли қоғозлар бозорида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар етказилмаётган.

Сабаблардан яна бири акционерлик жамияти бошқарувида қимматли қоғозлар масаласи бўйича шуғулланувчи мутахассисларнинг йўқлиги, бундай ҳодим бўлган тақдирда ҳам ўз мажбуриятига эътиборсизлик билан қарашидир ёки бу ҳодимнинг қимматли қоғозлар бозори мавзусидан ҳабарсиз эканлигидир.

Бу юзага келмаётган муаммоларни йўқотиш мақсадида ҳозирги кунга қадар Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими томонидан 1996 йилнинг биринчи ярмида 2 мартаба, 1997 йилда эса ҳам 2 мартаба Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманларда қимматли қоғозларга тегишли қонунлар бўйича семинар-йиғилишлар ўтказилди.

Шу кунларда Молия институтини ҳамда «Қамолот» маркази билан биргаликда ҳар бир туманларда «Акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва акционерлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоботи» тўғрисида бир ҳафталик семинар-йиғилишлар ўтказилмоқда.

Темур хиёбонидан Абдулла Тўқай кўчасига қадар;

1997 йил 1 сентябрь соат 8.00 дан то 22.00 гача.

◆ Мустақиллик майдони, Халқлар дўстлиги саройи, Ўзбекистон Миллий боғи, Хадра майдони, Навоий театри майдони, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек хиёбонларига таш кўчаларда халқ сайли вақтида вазият талаби билан транспорт воситаларининг қатновини тўхта-тишга рухсат этилади.

Шароит тақозо қилганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатга ҳаракатланишни чегаралаш кўзда тутилади.

Фармойишга кўра «Тошшаҳарйўловчи» давлат уюшмаси ёпилган кўчаларни айланиб ўтиш учун жамоат транспортининг ҳаракатланиш йўналишига вақтинчалик ўзгаришлар киритади. Халқ сайли якунлангандан сўнг шаҳарнинг маркази орқали ўтувчи жамоат транспорти йўналишларидаги транспортлар сонини ошириш кўзда тутилган.

Тошкент метрополитени байрам кунлари метрополитеннинг мунтазам ишлашини таъминлаб, Амир Темур ва Мустақиллик кўчалари 1997 йил 31 августда соат 14.00 дан то 22.00 гача вақтинча ёпиб қўйилишини эътиборга олиши кўрсатиб ўтилди.

ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ҚАНДАЙ БўЛАДИ?



Байрам тантаналарининг кўнгилдагидек ўтишида шаҳарда жамоат тартибини сақлаш билан бир қаторда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этди. Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлағанов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг олти йиллиги тантанали нишонланадиган байрам кунларида Тошкент шаҳрида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ҳақида» фармойиш қабул қилди.

Шу фармойишга кўра байрам тантаналарини ўтказиш вақтида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармасига қўйидаги кўчаларни ёпишга рухсат берилди:

1997 йил 31 август соат 14.00 дан то 22.00 гача

◆ Навоий кўчаси Абай

кўчасида Амир Темур кўчасига қадар;

◆ Усмон Юсупов кўчаси Навоий кўчасидан Абдулла Қодирий кўчасига қадар;

◆ Амир Темур кўчаси Истиклол кўчасидан Абдулла Қодирий кўчасига қадар (жамоат транспорти қатновига Абдулла Қодирий кўчасидан Абдулла Тўқай кўчасига қадар рухсат берилади);

◆ Ҳамза кўчаси Амир

Байрам кунларида

Темур хиёбонидан Абдулла Тўқай кўчасига қадар;

◆ Охунбобов кўчаси Амир Темур хиёбонидан Абдулла Тўқай кўчасига қадар;

◆ Мовароуннахр кўчаси Матбуотчилар кўчасидан Яқкачино кўчасига қадар;

◆ Шевченко кўчаси Ўзбекистон кўчасидан Яқкачино кўчасига қадар;

◆ Буюк Турон кўчаси Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;

◆ Шароф Рашидов кўчаси Абдулла Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;

◆ Ўзбекистон кўчаси Абай кўчасидан Мовароуннахр кўчасига қадар;

◆ Мустақиллик майдони; ◆ Сайилгоҳ кўчаси;

◆ Камол Ота Турк кўчаси; ◆ Пушкин кўчаси Амир

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ «ШАРҚ» КЛУБИ ДОНРАЧЛАР ХАЛҚ АНСАМБЛИГА ЁШЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

АНСАМБЛНИНГ БАДИИЙ РАҲБАРИ — ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН АРТИСТ ХУСАН НОСИРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: «Лабзак» бекати, «Полёт» қаҳвахонаси ёнидаги 16-боғча биносида.

Автобуслар: 97, 18, 148, 14, 179.

Трамвайлар: 27, 10.

Тролейбус: 10.

Тел: 41-05-50.

АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ «ШАРҚ» КЛУБИ «ПАРВОЗ» АШУЛА ВА РАКС АНСАМБЛИГА ЁШЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

РАКС ГУРУХИГА:

1. «Дурдона» болалар ракс дастаси — 6 ёшдан 12 ёшгача.

2. «Парвоз» ракс дастаси — 12 ёшдан — 30 ёшгача.

3. Ашулчилар тўғараги — 15 ёшдан — 40 ёшгача.

КАТНАШЧИЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

МАНЗИЛИМИЗ: «Лабзак» бекати, «Полёт» қаҳвахонаси ёнидаги 16-боғча биносида.

Автобуслар: 97, 18, 148, 14, 179.

Трамвайлар: 27, 10.

Тролейбус: 10.

Тел: 41-05-50.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтовларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202, 202-«а», 206-ХОНАЛАР.

Азиз ҳамшаҳарларимиз ва

пойтахтимиз меҳмонлари диққатига!

лаҳзада пуллик лотереясида ўз омаднингизни

синаб кўринг. Сизни ҳар тўртинчи чиптада

100 сўмдан 100.000 сўмгача пул

йутуқлари кутмоқда!

Энг омадли ишқибозларимизга эса

500.000 ва 1.000.000

сўмлик пул йутуқлари мунтазирдир!

1000 сўмгача бўлган пул йутуқлари лотерея чипталари сотилаётган жойининг ўзидан тарқатувчилар томонидан тўланади.

5000 сўмлик ва ундан ортқ пул йутуқларини олиш учун эса Ўзбекистон Халқ банкнинг Тошкент шаҳридаги

исталган бўлиналарига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, ҳоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр қўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига 133-74-05» телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.